

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022/145- сонли

Тошкент вилояти.

"16" 06 2022 йил

“Тошкент вилояти миңтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК (кейинги ўринда “буюртмачи”) номидан Устав асосида иш юритувчи директор **Нурматов Баҳтиёр Баҳромжонович** бир томондан ва **Юқори Чирчик ТИФУК** (кейинги ўринларда “пудратчи”) номидан Устав асосида иш юритувчи директор **Юсметов Дишод Рузматович** иккинчи томондан, бюджет маблағлари хисобидан Тошкент вилояти **Юқори Чирчик тумани Фаровон МФЙ** Дилкаш кўчасини жорий таъмирлаш (кейинчалик-объект) ишларини бажаришга доир амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисидаги”ги 684-сонли қонунига асосан xarid.uzex.uz махсус ахборот портали орқали (Лот рақами 100166) эълон қилинган ва “Тошкент вилояти миңтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК харид комиссиясининг 2022 йил 13 июндаги баённомасига асосан қуидаги шартномани туздилар:

I. ТАЪРИФЛАР

1.1. Мазкур шартномада қуидаги таърифлар қўлланилади:

ижро хужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект жорий таъмирлашга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

курилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича буюртмачи томонидан пудратчига ажратилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

II. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. Пудратчи мазкур шартнома бўйича объектда жорий таъмирлаш ишларини смета хужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, буюртмачи эса пудратчига жорий таъмирлаш ишларини ўз вақтида қабул килиш ва молиялаштириш манбаи бўлган маҳаллий бюджет маблағлари хисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.2. Буюртмачи томонидан молиялаштирилаётган қурилиш нархи тасдиқланган манзилли дастурда ажратилган маблағ бўйича аниқланади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича объектда бажариладиган ишлар қиймати барча ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда амалдаги нархларда шартноманинг умумий қиймати **ҚҚС билан 75 588 263 (Етмиш беш миллион беш юз саксон саккиз минг икки юз олтмиш уч)** сўм, шундан **ҚҚС 9 859 338 (Тўққиз миллион саккиз юз эллик тўққиз минг уч юз ўттиз саккиз)** сўмни ташкил этиб, мазкур маблағ молия бошқармаси томонидан ажратилгач 3 кун муддатда тегишли тартибда молиялаштириш жадвалига асосан пудратчининг хисоб ракамига ўтказиб бериш назарда тутилади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуидаги ҳоллар бундан мустасно:

- объектнинг жорий таъмирлаш ишлари қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгаририлганда;

3.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар буюртмачи билан пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича пудратчи шартноманинг II-бўлимидан назарда тутилган ишларни бажариш учун:

зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида смета хужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси хulosаси асосида амалга оширилиши мумкин;

-смета хужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари *Пудратчи* томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета хужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни мазкур объектнинг айрим харажатлари бўйича курилиши мумкин бўлган заарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи хужжатлар асосида буюртмачининг рухсати билан йўналтириши мумкин;

-объектнинг ижро хужжатларини расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқ сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

-шартнома шартларига асосан объектни буюртмачига тасдиқланган лойиҳага мувофиқ топширади;

-пудратчи қурилиш давомида смета хужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни аниқласа, бу тўғрида буюртмачига хабар бериши шарт;

-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари билан қурилиш қоидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни *Буюртмачига* мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

-мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, транспорт воситалари, анжомлар, қурилиш материаллари, буюмлар вақтинчалик бинолардан бўштади;

-қурилиш майдони қўриклинишини таъминлайди;

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. *Пудратчи* мазкур шартнома бўйича барча ишларни сифатли бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

4.3. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача *пудратчи* жорий таъмирлаш ишларини бажарилишини қайд этиш дафтарини юритади. Агар буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки *пудратчининг* қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қиласи.

4.4. *Пудратчи* дафтарда буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни белгиланган муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

V. БЮОРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун *буюртмачи*:

-ишлар бажарилиши устидан мазкур шартномада қайд этилган *пудратчи* томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, *пудратчидан* тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ равища қабул қилиб олишни таъминлаш;

-*пудратчининг* барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиши ва қарор қабул қилиш;

-молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига молиялаштириш манбай бўлган маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан белгиланган ишлар қийматининг 30 фоизи миқдорида бўнак (аванс) бериш ва ҳар ойда ажратилган авансни мутаносиб равища ушлаб қолишини ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 100 фоизигача жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

-5 кунлик муддат ичida *пудратчи* томонидан тақдим қилинган ҳисоб-фактураларни расмийлаштириб беришни ўз зиммасига олади. Агарда тақдим қилинган хужжатларда камчиликлар аниқланса уларни кўрсатган ҳолда *пудратчига* қайтариб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. *Пудратчи* мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2. Мазкур шартнома бўйича жорий таъмирлаш ишларининг муддати бажариш жадвали бўйича амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВ ВА ҲИСОБ КИТОБЛАР

7.1. *Буюртмачи* *пудратчига* шартноманинг 2-иловасига мувофиқ бўнак(аванс) маблағи ўтказади.

7.2. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган “Маълумотнома-ҳисоб-фактура”га асосан молиялаштирилади. Бунда жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблағининг ҳар ойда амалда бажариладиган ишлар миқдоридан фоиз ҳисобида тақсимланган ҳолда ушлаб қолиб, амалга оширилади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. *Буюртмачи* объектда ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлайди, у *буюртмачининг* номидан бажарилаетган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек *Пудратчи* томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. *Пудратчи* таъмирлаш даврида буюртмачининг вакилини (техник кузатувчини) вактинчалик яшаш жойидан таъмирланадиган йўл қисмигача бориб келишига транспорт, объектда иш жойи билан таъминлашни ўз зиммасига олади.

8.3. *Пудратчи* объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини бажариш ҳужжатларини, қилинган сарф-харажатларни буюртмачи томонидан мазкур объект учун бириттирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 25 кунидан объектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни буюртмачига топширади.

8.4. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда шартнома амал қилиш муддатидан кечикмаган холда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган холда расмийлаштирилади.

8.5. *Пудратчи* ўзи томонидан таъмирлашда кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

8.6. Пудратчи ишларни смета ҳужжатларига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.7. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади.

Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиха, норматив-техник ҳужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

8.8. *Пудратчи* буюртмачининг курилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.9. Агар буюртмачи *пудратчи* ва (ёки) унинг ёрдамчи *Пудратчилари* томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганинги аниқласа, у холда *Пудратчи* ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9.1. *Пудратчи* таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва жорий таъмирлаш тугалланган объект буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган курилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, курилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавқулотда вазиятлар, фавқулотда ҳолат, юқори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгид бўлмайдиган куч, ер тебраниши, сув тошқини, кўчки ва ҳоказо) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашуви шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, *Пудратчидан* зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгид бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишида узайтирилади.

10.2. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда *Пудратчи* ва *Буюртмачи* ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўришишини мухокама киладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаф қилишга ҳақлидир.

XI. ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

11.1. Жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек жорий таъмирлаш тугалланган объектларни

фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

11.2. Объектда жорий таъмирлаш ишлари тугаллангандан сўнг:

1). Махаллий ички хўжалик йўлларини куриш ва таъмирлаш объектларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини техник кузатуви ва лаборатория синовлари ўказилади;

Бунда, Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган стандартларга мувофиқ маҳсус лицензияга эга, лаборатория синовлари қурилиши соҳасидаги амалда бўлган меъёрий хужжатлар, қурилиши нормалари ва қоидалари бўйича фаолият юритадиган. Махаллий ички хўжалик йўллари қуриш ва таъмирлаш объектларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини техник кузатуви ва лаборатория синовлари ўказишга ихтинослашган, кўп ишиллик тажрибага эга корхона (ташкилот, муассаса, жамият)ларнинг Лаборатория синов натижсалари бўйича хулосаларини олиши талаб қилинади.

2). Пудратчи ташкилоти томонидан тугалланган объектни қабул қилиб олиш учун тегишли хужжатларни расмийлаштиради ва буюртмачига хабарнома юборади;

3). Ички йўлларни жойларда фойдаланишга қабул қилиши юзасидан тузилган иичи гурӯҳ томонидан фойдаланишга қабул қилинганидан сўнг, Буюртмачи томонидан якуний хисоб-китоб ишлари амалга оширилади.

11.3. Пудратчи ташкилот ишчи гурӯхига қўйидаги хужжатларни тақдим этади:

- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширища иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;

- қабул қилишга тақдим этилган йўлнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари тўплами, ижро схемалари;

- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;

- йўл-курилиш материаллари ва йўл тўшамаларининг конструктив қатламларидан кесиклар (тупрок жинслари) синовлари журналлари, мувофиқлик сертификатлари;

- ишларни бажариш журнали;

- ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда қурилиши ишлари сифатини назорат қилиш “Йўл қурилиш сифат назорат қилиш” давлат инспекцияси томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф қилингандиги тўғрисидаги далолатномалари.

11.4. Пудратчи жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофиқ буюртмачига буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.5. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда йўлнинг ваколатли органи балансига ўтади.

XII. КАФОЛАТЛАР

12.1. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

смета хужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник шартларга мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз хисобидан бартараф этишни;

12.2. Объектда бажарилган ишларнинг кафолатли муддати томонлар жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли муддатида аниқланаб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом этириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари пудратчи ва буюртмачининг икки томонлами далолатномасида қайд этилади.

Агар пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган қонун ва меъёрий хужжатларга асосан жавобгарликка тортиш тўғрисида ўрнатилган тартибда қонунни муҳофаза қилувчи муассасаларга мурожаат қилиш хукуқига эга.

XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

13.1. *Буюртмачи:*

-шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланишиши буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра *пудратчи* томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;

ишларни тугатишининг мазкур шартномада белгиланган муддати *Пудратчининг* айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

-*Пудратчи* томонидан шартнома шартлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

13.2. *Пудратчи:*

-ишларнинг бажарилиши *пудратчига* боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра *Буюртмачи* томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

-*буюртмачи* томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

-қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

13.3. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон ушбу бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.4. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.5. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ти 670-сонли Конуни ва бошқа қонун хужжатларида, ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

Жорий таъмирлаш ишларини олиб бораётган *пудратчи* ташкилот қонунчиликка ва ушбу шартномага мувофиқ *буюртмачи* олдида қўйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

-сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

-объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда туталланмаганлиги;

-*буюртмачи* билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ишлари муддатларини бузилиши;

- жорий таъмирлаш жараённида ёки оралиқ қабул қилишда *Пудратчи*, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишни орқага суриси;

шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани.

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштиргмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун *буюртмачи* *пудратчига* кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши *Буюртмачини* шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

14.3. *Пудратчи* томонидан объективни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса, *пудратчи* *буюртмачига* муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) микдорида пеня тўлайди, бирор бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш *Пудратчини* ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда *буюртмачи* ваколат доирасидан келиб чиқсан ҳолда «Йўлқурилисифатназоратқилиш» давлат инспекцияси хulosаси асосида объективни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек *Пудратчидан* сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматидан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунларда белгиланган микдорида жарима ундириш хукуқига эга. *Буюртмачи* томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун *пудратчи* Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ти 670-сонли Конунининг 26 моддасига асосан сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20%(фоизи) микдорида жарима тўлайди.

14.5. Буюртмачи Пудратчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китобларлардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш хукукига эга.

14.6. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Ушбу пудрат шартномаси амал қилиш давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Тошкент туманлараро иқтисодий судида эътиroz тартибига риоя килган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътиrozлар ёзма равища тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътиroz билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган тарафлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хақиқий ҳисобланади.

16.4. Буюртмачи билан пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар, ўзгартиришлар шаклида ёзма равища тасдиқлаши керак.

16.5. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

16.6. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Фазначилигига рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради.

16.7. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб томонлар ўз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича хукуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

XVII. ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

17.1. Шартнома амал қилиш муддати: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Фазначилигига рўйхатга олинган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

17.2. Мазкур шартномага қуидагилар илова қилинади;

1-илова – Бажариш жадвали,

2-илова – Молиялаштириш жадвали.

XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

БЮОРТМАЧИ

“Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК
Тошкент вилояти Нурафшон шахри Бобур
кўчаси 119 уй
Ш/х: 304521860274017045129118340
ИНН: 304 943 564 ОКЭД 42110
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги
Фазначилигининг Амалиёт Бошкармаси
х/р 23 402 000 300 100 001 010
МФО: 00014 ИНН: 201 122 919

Директор  Б.Б.Нурматов

Юрист: С.Урунбаев



ПУДРАТЧИ

Юкори Чирчиқ ТЙФУК
Тошкент вилояти Юкори Чирчиқ тумани
Жумабозор курғони
х/р: 2262 6000 9001 3300 9001
ИНН 200 932 575 МФО 00930
ТИФ Миллий банк Бектемир ф-л
ОКЭД 42110, х/р: 2021 0000 1001 3300 9001
Тел: 0 (370) 98-34-801 М90: 00 959

Директор

Д.Р.Юсметов



Тошкент вилояти Юқори Чирчик тумани Фаровон МФЙ
 Дилкаш күчасини жорий таъмирлаш
 2022 йил "16" 06 даги 2022/145-сонли шартномасига

1-илова

Тошкент вилояти Юқори Чирчик тумани Фаровон МФЙ Дилкаш күчасини жорий таъмирлаш
БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ

сўм

| № | Амалга ошириладиган ишлар | Йиллар | 2022 йилда объект қиймати | | | | | | | | | | | | Иш турлари бўйича умумий қиймати | |
|-----------------|---------------------------|--------|---------------------------|---------|------|----------|-----|------------|-----------|--------|----------|----------|--------|---------|----------------------------------|--|
| | | | I чорак | | | II чорак | | | III чорак | | | IV чорак | | | | |
| | | | январь | февраль | март | апрель | май | июнь | июль | август | сентябрь | октябрь | ноябрь | декабрь | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | |
| 1 | Жорий таъмирлаш | 2022 | | | | | | 75 588 263 | | | | | | | 75 588 263 | |
| ҲАММАСИ: | | 2022 | | | | | | 75 588 263 | | | | | | | 75 588 263 | |



БУЮРТМАЧИ:



НУФРАТЧИ:

Тошкент вилояти Юқори Чирчик тумани Фаровон
 МФЙ Дилкаш кўчасини жорий таъмирлаш
 2022 йил "16" 06 даги 2022/145-сонли
 шартномасига

2-ИЛОВА

Тошкент вилояти Юқори Чирчик тумани Фаровон МФЙ Дилкаш кўчасини жорий таъмирлаш

МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

СУМ

| Молиялаштириш жадвали | Йил-лар | 2022 йил | | | | | | | | | | | | |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------|---------|----------------------------------------------------------------------------------|--------|------|-------|-----|------------|-----|--------|---------|---------|--------|--------|------------|
| | | январ | феврал | март | апрел | май | июн | июл | август | сентябр | октябрь | ноябрь | декабр | Жами |
| Ажратилган аванс маблаги | 2022 | | | | | | 22 676 479 | | | | | | | 22 676 479 |
| Ажратилган аванс маблагини инобатта олиб бажарилган ишларни молиялаштиришга ажратиладиган маблаг | 2022 | | | | | | 52 911 784 | | | | | | | 52 911 784 |
| Жами: | 2022 | | | | | | 75 588 263 | | | | | | | 75 588 263 |
| Жами молиялаштириладиган маблаг | | 75 588 263 (Етмиш беш миллион беш юз саксон саккиз минг иккى юз олтминш уч) сўм | | | | | | | | | | | | |



Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 100166 на приобретение Юқориҷирчиқ туман Фаровон МФЙ Дилкаш кўчасини жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 13.06.2022

Время рассмотрения 13.06.2022 17:54

Конкурсная комиссия Тошкент вилояти Минтакавий йулларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|------------------------------|-----------------------------------|------------------------------------------------|-------------------------------------------|
| Член комиссии | NORIMOV O'KTAM AXTAM O'G'LI | Sektor mudiri | Toshkent viloyati moliya bosh boshqarmasi |
| Председатель комиссии | NURMATOV BAHTIYOR BAXROMJONOVICH | директор | Тошкент вилояти МИБХ ДУК |
| Секретарь комиссии | JUMAYEV SUXROB UKTAM O'G'LI | Bosh mutaxassis | Toshkent viloyati MYBX DUK |
| Член комиссии | ZAKIROV AZIZJON BAXADIROVICH | Bosh mutaxassis | "O'ZYOLINSPEKSIYA" |
| Член комиссии | SHAKIROV ABDUMANON XALILOVICH | Toshkent viloyati soliq boshqarmasi inspektori | Toshkent viloyati soliq boshqarmasi |
| Член комиссии | ABRALOV BEXRUZZON ISKANDAR O'G'LI | Yetakchi mutaxassis | Toshkent viloyati hokimligi |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 13.06.2022 года № лота 100166.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

| Наименование товара (работы, услуги) | Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог |
|--------------------------------------|---------------------------------------------------------------|
| Подробное описание | Юқориҷирчиқ туман Фаровон МФЙ Дилкаш кўчасини жорий таъмирлаш |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 83 986 959.00 |
| Стартовая сумма | 83 986 959.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 I. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар 1-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилишда иш тажрибасига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 2. З йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар). З. Ишлаб чиқариш техника бўлимида З йил иш стажига эга дипломли 1 та мутахассисни мавжудлиги.. 4. Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги.. 5. Мехнатни муҳофаза килиш ва техник хавфсизлик ходимлари 1 киши мавжудлиги.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--------------------------------------|-----------|----------------------|----------------|------------|------------|---------|
| CHIRCHIQ BEST BUILDING MCHJ | 19 | 19 | 17 | Экспертная | | |
| ООО GMG REALWAY | 19 | 81145507 | 19 | Экспертная | | |
| УП YUQORICHIRCHIQ TUMAN YO'LL | 19 | 75588263 | 19 | Экспертная | | |
| ASR YO'L QURILISH | 19 | 1-шакл тақдим этилди | 19 | Экспертная | | |

Критерий №2 IV. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг Машина ва механизмлар руйхати, 5-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиҳани бажариш учун, кўпич билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) курилиш машина ва механизмларини мавжудлиги, жумладан: 1. Юк кўтариш қуввати 10 тоннадан кам бўлмаган бортли ўзиғдарувчилар - 2 дона; 2. Асфальтётқизгиченглиги 6,5 метргача - 1 дона; 3. Ҳар хил йўл зичлагичлар - 2 дона (бир хил зичлагичлар 1 та ҳисобига саналади); 5. Автогрейдер -1 дона; 6. Ювиш машинаси- 1 дона(ижара асосидаги қурилиш техникалари баллари 30% камайтирилади). 7. Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 10 бирлиқдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларининг мавжудлиги.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--------------------------------------|-----------|----------------------|----------------|------------|------------|---------|
| CHIRCHIQ BEST BUILDING MCHJ | 20 | 20 | 15.6 | Экспертная | | |
| ООО GMG REALWAY | 20 | 81145507 | 14.8 | Экспертная | | |
| УП YUQORICHIRCHIQ TUMAN YO'LL | 20 | 75588263 | 18.8 | Экспертная | | |
| ASR YO'L QURILISH | 20 | 5-шакл тақдим этилди | 10.6 | Экспертная | | |

Критерий №3 III. Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга ўхшаш обьектларда охирги З йиллик иш тажрибаси 4-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Энг яхши таклифларни танлашдаги ўхшаш ишларни (автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш) ўз кучи билан бажариш: йилига N (N-Буюртмачи бошланғич нархининг 50%) сўм ва ундан кўп. (ҳар бир йил 5 балл билан баҳоланади). 2. Энг яхши таклифларни танлаш саводдагига ўхшаш профил бўйича охирги йили ўз кучи билан бажариш

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--------------------------------------|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| CHIRCHIQ BEST BUILDING MCHJ | 25 | 25 | 20 | Экспертная | | |
| ООО GMG REALWAY | 25 | 81145507 | 25 | Экспертная | | |
| УП YUQORICHIRCHIQ TUMAN YO'LL | 25 | 75588263 | 25 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--------------------------|-----------|----------------------|----------------|------------|------------|---------|
| ASR YO'L QURILISH | 25 | 4-шакл тақдим этилди | 15 | Экспертная | | |

Критерий №4 V. Қурилиш (таъмирлаш) майдонини (объектини) кўздан кечирганлиги ва лойиҳани ўрганганлиги тўғрисида маълумотнома, 6-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Қурилиш (таъмирлаш) майдонини (объектини) кўрганлиги ва ўрганиб чиқсанлиги.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--------------------------------------|-----------|----------------------|----------------|------------|------------|---------|
| CHIRCHIQ BEST BUILDING MCHJ | 2 | 2 | 2 | Экспертная | | |
| ООО GMG REALWAY | 2 | 81145507 | 2 | Экспертная | | |
| УП YUQORICHIRCHIQ TUMAN YO'LL | 2 | 75588263 | 2 | Экспертная | | |
| ASR YO'L QURILISH | 2 | 6-шакл тақдим этилди | 2 | Экспертная | | |

Критерий №5 II. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг молиявий аҳволи. 2 ва 3-шакллар

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп.. 2. Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги. 3. Ўтган йилда 100 млн. сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги. 4. Иш ҳақи фонди 100 млн. сўм. 5. Тўловга қодирлилик ёки қоплаш коэффициенти 1,25 ва ундан кўп. 6. Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 ва ундан кўп.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--------------------------------------|-----------|--------------------------------|----------------|------------|------------|---------|
| CHIRCHIQ BEST BUILDING MCHJ | 34 | 34 | 28 | Экспертная | | |
| ООО GMG REALWAY | 34 | 81145507 | 34 | Экспертная | | |
| УП YUQORICHIRCHIQ TUMAN YO'LL | 34 | 75588263 | 34 | Экспертная | | |
| ASR YO'L QURILISH | 34 | 2- ва 3- шакллар тақдим этилди | 6 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|--------------------------------------|-----------------|--------------------|---------------------|-------------------------|
| УП YUQORICHIRCHIQ TUMAN YO'LL | 83 986 959.00 | 75 588 263.00 | 13.06.2022 09:28:55 | 30.00 |
| CHIRCHIQ BEST BUILDING | 83 986 959.00 | 79 900 000.00 | 11.06.2022 | 28.38 |

| | | | | |
|--------------------------|---------------|---------------|------------------------|-------|
| MCHJ | | | 12:58:03 | |
| ASR YO'L QURILISH | 83 986 959.00 | 79 532 649.00 | 13.06.2022 10:22:40 | |
| ООО GMG REALWAY | 83 986 959.00 | 81 145 507.00 | 11.06.2022 13:06:34 | 27.95 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|--------------------------------------|---------------------------------|--------------------------------|---------------|
| УП YUQORICHIRCHIQ TUMAN YO'LL | 69.16 | 30 | 99.16 |
| CHIRCHIQ BEST BUILDING MCHJ | 57.82 | 28.38107 | 86.20107 |
| ASR YO'L QURILISH | 36.82 | | 36.82 |
| ООО GMG REALWAY | 66.36 | 27.94545 | 94.30545 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 100166 от 13.06.2022 года на приобретение Юқоричирчиқ туман Фаровон МФЙ Дилкаш кўчасини жорий таъмирлаш определила победителем:

УП YUQORICHIRCHIQ TUMAN YO'LL
200932575

и резервный исполнитель: ООО GMG REALWAY (302695258)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|------------------------------|-----------------------------------|-------------|-------------|
| Председатель комиссии | NURMATOV BAHTIYOR BAXROMJONOVICH | Согласен | |
| Член комиссии | ABRALOV BEXRUZZON ISKANDAR O'G'LI | Согласен | |
| Член комиссии | NORIMOV O'KTAM AXTAM O'G'LI | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Тошкент вилояти

Toshkent viloyati Toshkent sh., 100011, Abay ko'ch., 6-uy Tel: +998 71 244-43-56, Faks: +998 71 244-26-05, e-mail: vilekspertiza@mail.ru www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: NORBAYEV DUSMUROT ELOMONOVICH

Sana: 13-05-2022 yil



Yig'ma ekspert xulosasi № 41353

Obyekt nomi «Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани Фаровон МФЙ Дилкаш кўчасини жорий таъмираш»

Buyurtmachi - «Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК.

Bosh loyihachi - «RAVON LOYIHA LUX» МЧЖ

Litsenziya №АЛ-000541 от 04.02.2020г.

Moliyalashtirish manbai - Бюджет маблағлари

Bosh pudratchi - Танлов савдолари натижалари билан аниқланади

Qurilish turi Жорий таъмираш

Murojaat raqami: № 40817

1. Loyihalash uchun asos

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартағи ПҚ-172- сонли қарори.

1.2. Лойиха учун бошланғич харажатларни ҳисоблаш учун лойиха топшириғи буюртмачи «Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК томонидан тасдиқланган ва лойиха ташкилоти «RAVON LOYIHA LUX» МЧЖ томонидан 2022 йилда келишилган.

1.3. Буюртмачининг «Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК 2022 йил 10 майдаги 01/06-394- сонли хати.

2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

2.1. Лойиха ва ижро схемаси бўйича нуқсонли далолатнома, «Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК томонидан тасдиқланган, Бўка тумани Ободонлаштириш бошқармаси, «Фаровон» МФЙ раҳбарияти ва лойиха ташкилоти «RAVON LOYIHA LUX» МЧЖ томонидан 2022 йилда келишилган.

2.2. Такдим этилган смета хужжатлари жорий нархларда ҚҚС билан ва буюртмачи харажатларисиз 83986,959минг сўм миқдорида.

2.3. Локал манбалар рўйхати ва зарурий манбалар рўйхати.

3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

3.1. Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани Фаровон МФЙ Дилкаш кўчаси қуидаги параметрларга

эга:

- таъмирланаётган йўл бўлагининг узунлиги – 212,0 п.м.
- қатнов кисмининг ўртача эни -4,0 м.

3.2. Тақдим этилган смета ҳужжатлари ва тасдиқланган нуқсонли далолатномада қуйидаги ишлар кўзда тутилган;

- Мавжуд йўлнинг нотекис жойларини автогрейдер ёрдамида текислаш ;
- Мавжуд йўл профилини янги материал (ҚША) қўшиш йўли билан тиклаш;
- Донадорлиги 5-20 мм бўлган чақиқ тошдан текисловчи тўшама ётқизиш;
- Битум эмульсияси билан юзаки ишлов бериш;
- Асфальтоукладчик ёрдамида қайноқ майда заррали ғовак асфальтобетондан 5 см қалинликда ётқизиш ва бошқа.

3.3. Хисоб – китоб смета харажатлари ВМ қарорларига мувофиқ жорий нархларда тузилган 11.06.2003 йилнинг №261 сонли "инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун шартномавий жорий нархларга ўтиш тўғрисида"ги қарори, 12.05.2004 йил №226-сонли "Ўзбекистон ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги ва ШНҚ 4.01.16-09-сон "қурилиш харажатларини шартномавий жорий нархларда аниқлаш қоидалари".

Хисоблаш ресурс усулига асосланган.

Асосий қурилиш материаллари, конструксиялар, маҳсулотлар ва асбоб-ускуналар қиймати ҳар чоракда ишлаб чиқилган жорий нархлар каталогига, қурилиш материаллари биржалари ва ярмаркаларидаги нархлар, заводларнинг улгуржи ва сотиш нархларига мувофиқ белгиланади.

4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

Лойиха учун бошланғич харажатларни ҳисоблаш учун топшириғи, объектдаги нуқсонли далолатнома ва ижро этувчи схема буюртмачи «Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК томонидан 2022 йилда тасдиқланди.

6. Ekspertiza natijalari.

6.1. Тақдим этилган ҳужжатларни локал хulosалар бўйича экспертизадан ўтказиш жараёнида ўзгартириш, қўшимча ва тузатишлар киритилди.

6.2. Экспертиза текшируви натижаларига кўра, жорий нархларда смета ҳужжатларининг КҚС билан ва буюртмачи харажатларисиз 83986,959минг сўм ташкил этди.

Камайишга ишчи лойиҳа асосида қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини созлаш, элементар ресурс стандартлари, стандартларини аниқлаштириш, қиммат пардозлаш материалларини йўқ қилиш, ишлайдиган машиналар ва механизмларнинг нархи, асосий қурилиш материалларининг нархи, қурилиш ишчиларининг меҳнат харажатлари ва бошқалар орқали эришилди.

Пудратчининг бошқа харажатлари даражаси 19,0% миқдорида қабул қилинди.

6.3. Демонтаж ишлари давомида материалларни қайтариш нархи буюртмачи ва пудратчи билан биргаликда аниқланиши керак.

6.4. Ҳужжатлар эксперт текшируви учун буюртмачининг шарҳларисиз тақдим этилган.

6.5. Тасдиқлашдан олдин буюртмачи ҳужжатларни барча манфаатдор ташкилотлар билан белгиланган тартибда мувофиқлаштириши керак.

7. Xulosalar.

7.1. Объект учун жорий нархларда тахмин ҳужжатлар қиймати ҳисоблаш кўра «**Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани Фаровон МФЙ Дилкаш кўчасини жорий таъмирлаш**» экспертиза натижаларини ҳисобга олган ҳолда ҚҚС билан ва буюртмачи харажатларисиз 83986,959минг сўм миқдорида харажат билан келгусида кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тавсия этилади.

Экспертиза натижалари билан белгиланадиган тавсия этилган харажат шартнома тузиш учун асос эмас.

7.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.06.2003 йил 261-сонли қарори билан тасдиқланган «Объектларни қуриш қийматини шартномавий жорий нархларда белгилаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом»га мувофиқ ва Вазирлар Маҳкамасининг 31.01.2022 йилдаги №46-сонли қарорига асосан танлов савдо натижаларига кўра ишларнинг қиймати амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларини ҳисобга олган ҳолда буюртмачи томонидан қабул қилинади ва ҳоказо.

Bosh mutaxassis: Albekova Diana Rasimovna 472166609

«TASDIQLAYMAN»



“Toshkent viloyati mintaqaviy yo'llarga
buyurtmachi xizmati” DUK direktori,
komissiya raisi

 B.Nurmatov

«16» 06 2022 yil

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 18 martdagি PQ-172 sonli qarori asosida Toshkent viloyati ichki xo'jalik yo'llarini joriy ta'mirlash ishlарini bajaruvchi Pudrat tashkilotini aniqlash bo'yicha tanlov komissiyasining

12-sonli
YIG'ILISH BAYONNOMASI

“16” 06 2022 yil

Toshkent shahri

“Toshkent viloyati mintaqaviy yo'llarga buyurtmachi xizmati” DUKning 2022 yil 27 yanvardagi 06/6-sonli buyrug'iiga asosan tasdiqlangan eng yaxshi takliflarni tanlash komissiyasi tarkibi:

- | | | |
|---------------------|------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Komissiya raisi: | Nurmatov.B.B | - “Toshkent viloyati mintaqaviy yo'llarga buyurtmachi xizmati” davlat unitar korxonasi direktori |
| Komissiya a'zolari: | A.X.Shokirov. A.B.Zakirov. O'.A.Norimov. | - Toshkent viloyati Davlat soliq boshqarmasi vakili - O'zbekiston Respublikasi Transport vazirligi huzuridagi yo'l-qurilish ishlari sifatini nazorat qilish davlat inspeksiyasi vakili - Toshkent viloyati Moliya Bosh boshqarmasi vakili |
| Komissiya kotibi: | B.I.Abralov. S.Jumayev | - Toshkent viloyati hokimiyati kapital qurilish va kommunikatsiya masalalari bo'yicha kotibiyati yetakchi mutaxassis - “Toshkent viloyati mintaqaviy yo'llarga buyurtmachi xizmati” davlat unitar korxonasi Tenderlarni tashkil etish va shartnomalar bo'limi bosh mutaxassis (<i>ovozi berish huquqisiz</i>) |

Yig'ilishni tanlov komissiyasi raisi B.Nurmatov olib bordi.

KUN TARTIBI:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 18 martdagи PQ-172 sonli qarori asosida Toshkent viloyati ichki xo'jalik yo'llarini joriy ta'mirlash bo'yicha kelib tushgan e'tirozlarni ko'rib chiqish.

